

Тупроққа бермам кимёний...

Навоий

Иттифоқо кимнингдир ёдига тушиб, домла Нийёзани «Шахидлар хотираси» хабарининг очилишига, ундан аввал «Хотира ва Қадрлаш» мажмуида тақлиф этилиб, беҳад шод бўлган эди. Ювенил-тараниб, ҳаяжонланиб — оқ кўйлагини,

бошига мошранг духоба дўппи-сини кийиб, ҳассасини тўкил-латиб, анжуманга борди. Бу ноёб ва асрий ёдгорликлар Президентимизнинг бевосита ва билвосита ташаббуслари билан бунёд этилган. Бунда та-нишлар, нотанишлар жуда кўп эди, кўплар билан юз кўришиб омонлашди. Иккинчи жаҳон урушида бирга курашган фахрийлар — биродарларини кўрди, соғ-саломат юрганликларини билди, умр бўйи югурган, ҳаракатда бўлган почта ташувчилари нафақага чиққан сокинликда икки йилга қолар-қолмай дунёдан ўтаётганини эшитган эди, йўқ, улар соғ-саломат... Бунда у Юртбошимиз сўзларини жон қулоғи билан тинглади, шу кунларга етганлари, озод замонни кўрганига шукр қилдилар, чуқри муқаддас зияратгоҳларимизда бўлиш ўзи бахт. Айниқса ёши фалон ерга бориб қолганлари учун бахт! Тақлиф этганининг кимлигини билолма-дию аммо уни дуо қилди; уйда моғор-лаб ўтирабериш жонига теккан эди. Акли, камтар мансаб эгаларидан ризо бўлди, улар орасида ўз шоғирди, док-торлик диссертациясини ёзишда унинг маслаҳатига муҳтож бўлиб, ҳовлисига қат-нагани ҳам ёдига тушди. Пойтахтимиз Тошкентда бундай муқаддас зияратгоҳ-лар бир қанча... Миннат қилмоқ ёмон нарсаси, тасавуф тариқати қоралайди, яхшилик урдамининг бахли бўлади, ба-лиқ билмас халик бўлади, деган нақл дилидан ўтди. Қадим, бўлгуси аспиран-ту номзодлар ва ҳатто фан докторлари билан ҳовлиси гажум бўларди. Мусоха-ба, мунозаралар авжада. У ёки бу кўй-за-ма китоб ҳақида фикрлашмак, узок та-

рихимизга оид манбалар кўрсатиларди... — Ҳа, майлинг, — деди домла, — кенг юракли, қаноатли бўлиб, мутлақо шай-тон савасасига ўчмаслик, одамлар ҳақида ёмон фикрларга бормаслик керак, дер-ди ўзига ўзи.

Хотира ва Қадрлаш мажмуи ҳамда «Шахидлар хотираси» хабарини тўқин-ланмай зиярат қилиб бўлмасди. Улар ҳаққига дуойи фотиҳа қилди. Бунёдкор-лик сабабчиси Юртбошимизга узок умр,

Биркам саксонга борган Мирҳабиб домла Нийёзани китобу кўлэмаларидан ташқари эллик-олтмиш йил ичида топ-ган-тутган барча молларини, жамғарма-ларини бола-чақаларига бўлиб бериб, кампир билан ёлғиз тақводда яшарди. Бир кучок китобларини болалар уйига ҳам элтиб берди. Шикоят йўқ, шу кун-ларга етиб келгани, она-юрт мустақил бўлганидан шукроналар айтарди. Меҳ-нат ҳалолу ўзи ҳаром бўлган даврлар

қаришга ҳукуматимиз катта эътибор бер-моқда, бу ўзи жуда зўр гап...

Кампир бир чойнак қол олиб кирди: — Холажон, мен фақат бир лаҳзага кирганман.

— Биламан, ҳали гапингиз кўпайиб кетди. Дастурхонга қаранг, чой ичинг, болам! Тарихдан гап кетса домлангиз кечгача гапирдилар. Бошқа укаларим ҳам сизга ўхшаб келишади, домлангиз ҳеч қачон ёрдами аямасди.

Эртасига Захриддинхон, Аб-дували, Мадаминхонлар ҳам кириб келишди, улар учови ҳам «беш минута кам фан ном-зодлари» эди. Домла уларга ҳам «Шахидлар хотираси» хаб-бонига боргани, зўр гаплар бўлганини айтиб берди. Бу гап унинг қадрига етиб, шундай муҳим анжуманга тақлиф этиш-гани тўқинланган юборди. Мустақиллик унинг бахти, Ак-мал Икромов, Файзулла Хўжа-ев, Собирхон Содиков,

Чўлпон, Қодирий, Фитрат, Элбек, Тавал-лолар билан ёшроқ бўлса ҳам шахсан таниш бўлгани-ю бошқа гапларни фахр билан айтди. Археолог олим, академик Яхё Фуломовнинг илмий ишлари ҳақида батафсил сўзлаб берарди.

Ёш толиби илмлар суҳбат орасида домлага ҳозирги замон тарихнавис олим-лари ҳақида бир-икки оғиз сўз айтишни илтимос қилгандай бўларди. Домла Амир Темури ҳақидаги, профессор Хамид Зиёевнинг яқин тарихимиз ҳақидаги ажабий китобларига, ундан сўнг мута-савуф ҳақидаги, айниқса, Нажмиддин Қубро ва «Қубровия» тариқати ҳақидаги Нажмиддин Қомилнинг, Ашрапов ва Самарқанд алломалари ҳақидаги Вохид Абдулло, Валихўжаевларнинг илмий иш-лари билан танилиши, ҳаққоний тари-химизни юзага қилишдаги хизматла-рини юқори баҳолади. Энди кимлар-дир бизнинг тарихимизни ўзига мослаб ёзиб берадими? Ҳамма қилинаётган иш-ларимизни, номларини бирдан айтолмай-ман, кесалик, унутувчанлик ҳам бор... Янаги учрашувимизга ҳам гап қолсин, дерди.

(Давоми 4-бетда).

ШАРҚ ДУРДОҲЛАРИ

Оз-оз ўрганиб домо бўлар...

● Келтиришларича, Форс вилоятида бир ба-давлат киши бўлиб, унинг бир маҳбуба қизи бор эди. Унинг тим қора сочлари зимистон қора түнни эслатар, ҳусну жамолда ягона бўлган жонбахш юз-лари ун тўрт кунлик ойга сабқ берадир. Бадав-лат киши ўз қизини ниҳоятда севар, қиз учун ало-ҳида уй ва боғ қилдириб, доимо қизи билан бир-га яшар, қиз олдига бирорта инсонни киритмас, ҳеч кимга ишонмас эди. Бойнинг ўргатилган май-муни бўлиб, маймунгина қиз олдига туриши мум-кин эди. Маймунга махсус ханжар берилган бўлиб, қиз олдига бегона кириб қолса, маймун ханжар билан ташланиб уни ўлдирарди. Қиз турган уй-нинг эшиклари эса маҳкам беркитиб қўйиларди.

Кунлардан бир кун бу вилоятга Хуросондан бир киши келиб қолди. Унинг ҳеч нимаси йўқ бўлиб, очлик ва танглик ҳолатига тушиб қолди. Охири ўзига ўхшаб бир кишини тоғди ва у киши хуросонликка деди:

— Эй биродар, очлик ва танглик йўлидан қути-лиш йўли бор. Фалон деҳқон уйда катта миқдор-да бугдой бор, уни кечаси ўғирлаймиз ва ўзга шаҳарга элтиб сотамиз! — деди.

Улардан шубҳаланиб турган подшо миршаби бу гапни эшитди ва уларни қўлга олмақчи бўлди. Ху-росонлик вақтида қочиб қолди, шериги қўлга туш-ди. Миршаб ундан:

— Ким бўласан? Нима қилиб юрибсан? — деб сўради.

У шоша-пиша:

— Мен ўғриман, шеригим ҳам ўғри эди. Биз фалон деҳқоннинг уйдан галла ўғирламоқчи эдик! — деди.

Миршаб қулди ва ундан:

— Қаерлик бўласан? — деб сўради.

У қалтираб:

— Қазвинлик бўламан! — деди.

Миршаб унга:

— Ақлнинг калталиги қазвинлик эканлигин-дан далолат бериб турипти. Эй нодон, деҳқон уйдан нима ҳам чиқар эди. Донни ўғирлаб, олиб кетгунингча тонг отади, уни узокқа олиб кетиб бўла-дими?! Ўғирлик учун бой ва бадавлат одамлар уй-ига тушилади ва фақат қимматбаҳо нарсаларгина ўғирланади! — деди.

Бу гапларни қоронғуда турган хуросонлик эши-тиб турар эди. Шеригини миршаб олиб кетгач, ўзига-ўзи деди: «Дон кишилар билан дўстлик ях-шидир». Шунинг учун ҳам: «Нодон дўстдан ақли душман яхши» дейдилар. Миршаб мен учун ақли душмандир, ўғри эса нодон дўст. У мени ҳалокат-га йўлқотишига сал қолди. Миршабнинг гапига кўра мен фалон бойнинг уйига ўғирликка бора-ман!»

У шу хаёллар билан бойнинг уйи атрофида узок айланди. Қиз турган уйнинг ташқарисида чуқур ҳандақ бор эди. У шу ҳандақ орқали қиз ва бой ётадиган уй томон ер ости йўли қазий бошлади. Тўрт кун деганда бой ётадиган уй ёнидан тешиб чиқди ва атрофни кузата бошлади. Шу он уй бур-чагида турган маймун бойнинг устига уй шифти-дан осилиб тушган ўғримчани кўрди ва ғазаби жўш уриб, бой кўрғагида турган ўғримчакка хан-жар урди. Бирок, ўғри маймунни тутиб қолишга улгурди ва наъра уриб деди:

— Эй бой, кўзингни оч, маймун сени ўлдирши-га сал қолди!

Бой кўзини очиб, ханжар ушлаб турган маймун-ни кўрди ва ўғридан:

— Сен ким бўласан? Бу ерга қандай кириб қол-динг? — деб сўради.

Ўғри бошидан утган нарсаларни баён қилди ва ўғирлик учун кирганини айтди. Бой унга:

— Нодон дўстдан ақли душман яхши! — деди

ва кўпгина қимматбаҳо нарсалар бериб, уни рози қилди.

НАЗМ:

Жонингга қасд қилган душманинг доно, —
Бўлса, нодон дўстдан бирч марта аҳо!
Нодон қилган ишини марчаси зарар,
Фойдаси бўлса ҳам зўр бесамар!

Эй азиз, кўрдингми, хуросонлик ўғри бўлса-да, унда донолик ва одамийлик гавҳари бор эди, шу тусфайли фойда кўрди. Маймун ўзини бой ва қиз-нинг ҳақийқий дўсти ҳисобласа-да, нодон эди ва унинг ҳаёт терисини шилби олдилар. Эй биро-дар, бу ҳикоятни шунинг учун ҳам келтирдимки, сен доимо оқил ва доно кишилар билан улфатлик йўлини қидир! Ҳар қандай жоҳил ва нодон дўстлик-ка арзимаиди!

НАЗМ:

Ёмон дўст ёмондир ёмон илдонан,
Илон урар танга, фақат, ташини,
Ёмон дўст урди жонга ишани!

● Оқил киши дунёнинг ғам-алами ва бор-йўғи-га қайғурмайди. Ортиқча мол топишга интилмай-ди. Мол ва пул учун фақат жоҳил кишиларгина интиладилар, такаббурлик билан тумшукларини кўтариб, иззат ва обрў топиш кетидан қувадилар.

● Эй оқил, очкўзлик ва бахилликни ўзингга шиор қилиб, мол ва пул топишинг пайида бўлма! Ҳасад ва бахиллик кўчасидан қоч! Ўзгаларга доимо ма-дад қўлини чўз! Ҳасад ва рашқдан ҳеч ким фойда кўрмаган! Аксинча, эл орасида хору залил бўлиб, эътибордан четда қолган. Мол-мулкнинг беқорга сақлама! Уни эл фойда кўрадиган нарсаларга сар-фла! Фақат аҳмоқ одамларгина юз меҳнату-алам билан бойлик тўплайдилар, ундан на ўзи фойда топади-ю, на ўзгалар манфаат кўради! Бундай жо-ҳил кишилар кўриб-билиб туриб, кўрганидан иб-рат олишмайди, нафси аммога қўйига кириб, ранж ва кулфат кўрадилар!

● Эй ўғил, сен гапирмоқчи бўлсанг, аввало га-пингни яхшилаб ўйла, сўнг гапир! Зарурат пайдо бўлгандагина сўзлашга одатлан. Бўлмаса жим ўтир! Кўп ўйлаб, оз сўзлашга ҳикмат кўп.

● Эй азиз, кишига ранжу меҳнат юзланганда сабру қаноат қилмоғи энг яхши хислатдир.

● Оқил киши шундай кишики, дунёда фақат ях-шилиқ қилади, бировнинг яхшилигини мамнуният билан эслади! Бировнинг қилган яхшилиғи эва-зига шукр қилмоқ одамнинг мартабасини ошира-ди, мақсад ҳосили томон йўл очади!

Мухаммад ЖАБАЛУДИЙ.

Маҳмуд ХАСАНИЙ таржимаси.

Камтарлик — халқимиз суйган энг олижаноб фазилат. камсқумлик инсонни оқсакликка кўтарайди. Халқ, эл-юрт бундай одамларни алкаб, бошига кўтаришини яхши биламиз. Мансабпарастлик, шон-шухрат, дабдабозлик кетидан қувувчилар эса хаммиша эл нафратига учраб келганлар. Шунинг учун ҳам нуруний отахонлар, охонларимиз гоят эҳтиром билан: «Камтарга — камол!» дейишади.

Ҳар бир ишда меъёрни билиш ва унга риоя этиш айнан шу камтарлик-нинг ёрқин далояти, белгиси дейиш мумкин. Камтарлики касб қилган ки-шилар катта-катта ишларни амалга оширсалар-да ўзларини бошқалардан юқори қўйишмайди, эришган улуқла-ри, муваффақиятларини кўз-кўз қилишмайди, ҳалол меҳнат билан ор-тирган бойликларини билан мағрурла-ниб, ўзларини йўқотиб қўйишмайди. Кўни-қўшини, ҳамкасблар, ёр-биро-дарларидан алоҳида ажралиб туришга, атрофдагиларнинг ҳасад-ҳавасларини келтиришга уринишмайди бундай одамлар. Шунинг учун ҳам улар ҳамма нарасида — сийиш-ичиш ва машаққат, жамоада, тўй ва маъракаларда, шоди-налар-у мусибатли дамларда ўзларини

исрофдан ҳазар халқимизнинг таби-атида бор ҳислат-ку. Закоату, хайру эҳсонлар, бева-бечораларга раҳмшаф-қатлилик, муҳтожлар ҳолидан доимий хабар олиб туриш — ота-боболаримиз-дан мерос бўлиб келатган минг йил-лик қадриятлар эмасми? Фақат кей-инги алғов-далғовли замонларда, ман-қуртликка маҳкум этилган шўро тузу-ми даврида бу олижаноб аъёнларимиз коммунистик шиорлар соясида қолиб, унутилган эди.

Республика Президенти Исмои Каримовнинг 1998 йил 28 октябрдаги «Тўй-ҳашамлар, оидавий тантаналар, маъра-ка ва маросимлар, марҳумларнинг хо-тираларига бағишланган тадбирлар ўтказилишини тартибга солиш тўғри-сида»ги Фармони айнан шу мақсадга

ридан қолмасликка интиладилар. Ал-батта, бу билан улар энг аввало ўза-рининг гуноҳликлари, маданиятсиз-ликларини фож этиб қўядилар, энгил шухрат кетидан қувиб, маҳалладош-лари, ҳамкасб ёр-биродарлари назаридан қоладилар. Лекин уларга кўр-кўрона эргашувчилар, имкониятлари ноқо-рилигига қарамай, «чиранувчилар» ҳам топилиб туради. Бу билан улар ва улар-га «ўриак» кўрсатувчилар, ўзларини қийнабгина қолмай, шарият қондала-рини, Ўзбекистон мусулмонлари идо-расининг «Тўй, маросим ва маърака-ларни меъёрида ўтказиш ҳақида»ги ҳамда «Муסיбат етган хонадон аҳлига таъзия билдириш ва баъзи маросим-лар одоби ҳақида»ги фатвоаларини ҳам бузаётганлари, назар-писанд қилмаёт-ганларини билишармикан?! Қолавер-са, Аллоҳ Қуръони Карим орқали биз-ларни оғоҳлантириб: «Исрофгарлар шайтоннинг биродаридилар» дегани-дан беҳабармиканлар?!
Ҳар қалай, униса ҳам, буниси ҳам бўлиши мумкин. Шундай экан, кенг жамоатчилик, маҳалла фаоллари,

Муносабат

Тўй ва маросимларимиз замонамизга муносиб бўлсин

бирдек камтар тутишади, меъёрга риоя қилишади.

Бинобарин, улар маҳалла-қўй, қаришдош-уруғлар орасида ҳам кўпчи-лик билан улар кўнглига қараб муо-лака қилиш, бирон кишига оғир бо-тадиган ҳатти-ҳаракатлардан, «катта оғиз» гаплардан ўзларини тийишади. Бева-бечоралар, муҳтожлар бундай ки-шилардан кўпроқ наф қўрадилар, оғир-ларини энгил қилганлари учун уларни дуо қиладилар. Лекин камтарликларни тўй-маъракаларда ҳам ҳеч қандай ор-тиқча ҳашам, дабдабозлик, «сендан мен камми» қабиллиги ким ўзарга пойғани ҳам кўрмайсиз. Ҳамма нараси-да улар учун меъёр бош мезон.

Алалхусус, халқимизга хос бебаҳо фазилатларини биз юқорида таърифла-ган камтарлик, камсқум кишиларнинг ҳаёт тарзи, ишлари-аъмолларида кўра-миш. Бу ҳаёт тарзи ҳаммамиз учун мат-луб, ҳаммамизга ярашқин ва шунинг учун ҳаммамизга хос бўлишини чин дилдан истаймиз. Истиқбол берган им-кониятлар самараси ҳарқош ушбу фа-зилатларимизни дар томонлама тако-миллаштириш, уларни жонажон диё-ринимиз ҳар бир фуқароси мулкига ай-лантириш бугунги кунимизнинг дол-зарб муаммоларидан бири десак му-болага бўлмас. Чуқри йўқсулликдан мулкдорга айланган юртимиз фуқаро-лари бундан бўён кун сайин фаровон-роқ ҳаётга, ўз қўлиятиларига яраша топишдан катта-кичик бойликка эга бўлиб бораверадилар. Меҳнат билан топишган нақдларини уришда, тежа-мли ва оқилона меъёр билан сарфлаш ҳам юксак маънавият, маданият бел-гиси эканлиги сир эмас.

Мамлакатимизнинг бундан бўёнги тараққиёти давомида ривожланган дав-латлар даражасига эришиб борар экан-ми, уларнинг ижобий таърибаларини ҳам ўзлаштириб боришимиз керак. Дарвоқе, нафисламбирини айтганда,

хизмат қилиши билан алоҳида аҳа-ми-ятга эга. Шунинг учун ушбу Фармон-ни кенг жамоатчилик, айниқса маҳал-лалар фаоллари қизгин кутиб олган эди-лар. Шу асосда шахримизда бундай та-дбирларни тартибга солиш тизими ша-къланди. Шу соҳа бўйича шаҳар, туман миқёсларида ва маҳаллаларда махсус комиссиялар тузилди. Шаҳар бўйича тўйлар ва бошқа маросимлар ўтказиш бўйича ишчи гуруҳи, шу мақсадда ус-лубий тавсиялар ишлаб чиқувчи ишчи гуруҳи ташкил топди.

Айтиш керакки, пойтахтимиз миқё-сида қўрилган чора-тадбирлар ўз са-марасини берди. Тўй-ҳашамлар, маро-сим ва маъракалар анча тартибга туш-ди. Ниҳоят тўйлар билан боғлиқ ан-чагина ортиқча урф-одатлар қисқар-ди, дабдабозлик кўринишлари бир-мунча барҳам топди. Кўп жойларда 50-60 ҳатто 80-100 килолтар гуручдан ош тортишлар кескин камайди. «Чарлар» деган тўйдан силласи қуриган қизнинг ота-онасига анча оғир тушадиган маро-симлар маҳалла фаоллари қатъи-ятли бўлган жойларда тўла барҳам топди ёки ихчамлашиб, «қула чақи-риқ», «куён чақириқ»лар билан бир-лашиб кетди.

Оила бошига тушадиган муносиб — инсон вафоти билан боғлиқ маросим-лар ҳам анча тартибга тушди. Жумла-дан, авваллари марҳумни қабрга қўйиб қайтиш биланоқ ўзига хос «энефатга» ўхшаб кетадиган дастурхон беаъшлар йўқ бўлди. Унинг ўрнига халқимизнинг қадимий инсонпарвар удуми — марҳ-умнинг уйини уч кун давомида исенк оватлар билан йўқлаш кенг ёйилди. Пайшанба ва якшанба кунларида ўтказиладиган тадбирлар, «Йигирма», «қирқ» каби маросимлар ўрнини марҳ-ум хотирасига кичик худойлар эгал-лай бошлади.

Айни пайтда бу борада қилинган ишларни ҳали ниҳоясига етди, дейиш-га эрта. Тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларда дабдабоз-ликка уринишнинг турли қўбинишлар-ни ҳали ҳам учраб туради. Баъзи қор-чаллон «бойначча»лар кўпчилик фик-ри билан ҳисоблашмай, ўз биланла-

масжидларнинг имом хатиблари, ула-молар, олимлар, эл орасида обрўга эга бўлган ҳар бир киши шу соҳада тушунтириш-тарғибот ишларини олиб бориши керак. Биз янги ҳаё-тин барпо этар эканмиз, халқимиз-нинг энг яхши аъёнларини кўз қорачигандай асраб-авайлаб, ривож-лантириб бориш билан бирга, эски замондан қолган турли бидъатлар, зарарли урф-одатлардан жамияти-мизни тозалаш ҳам боришимиз ке-рак бўлади. Шу маънода барча жа-моатчи кучлар ўз куч-ғайратларини жамлаб, тўйларимиз, бошқа оилавий тантаналаримиз, маърака ва маро-симларимиз халқимизнинг буюк маъ-навияти ва иқтидорига муносиб бўлиши учун курашишимиз даркор.

Катта-катта исрофгарчиликлар ўрнига ўз қариндош-уруғлари, маҳал-ладошлари орасидаги муҳтожларга, бошқа етим-есир, бева-бечораларга хайр-эҳсон қилиш, улар ҳолидан ха-бар олиб туриш қанчалар савобли! Улардан ҳам ортса Меҳрибонлик уй-лари, Қариялар уйлари бор. Кўпик қурдириш, мактаб, болалар боғча-лари биноларини қуриб бериш... Саъ-ят ва маданият аҳлига, иқтидорли ёшларга хомийлик қилиш — ҳуллас, ортиқча мол-мулк, бойлик эгалари ўз маблаг ва имкониятларини сафар-бар этиб, олқиш ва дуо олиш, савоб ортиришларини учун шараф ва имко-ниятлар етарли. Ана шундай ишларга қўл уришга ўрганишимиз керак. Ота-она дунёни тарк этгандан кейин да-бдабали ош беришлар, бошқа маросим-ларни кўплаб одамларни тўплаб ўткази-ладиган кўра, уларнинг кўзлари тирик-лигидан дуоларини олиш, ювиб-тараб, яхши едириб, кийдириб, орзуларини рўёбга чиқариш минг қарра афзал!

Бинобарин, маҳалла фаоллари, оқсо-қоллар, дин арбоблари — уламолар, барча нуфузли ташкилотлар ўз обрўла-ри, ташкилотчилик тушунтириш куч-қудратларини шунга эришишга қара-тишлари зарур. Бу борадаги ишлари-миз мунтазам, изчил ва таъсирчан бўлса бас. Эъзулик ҳамма жойда муста-ҳкам қарор топишига шубҳа йўқ.
Салом ВАЛИЕВ.



Пойтахтимизнинг Бектемир туманида ишга туширилган маиший хизмат биноси 3 қаватдан иборат бўлиб унинг биринчи қаватида ошхона, иккинчи қаватида озиқ-овқат дўкони, учинчи қаватида эса тикувчилик цехи мавжуд бўлиб, бу цехда чиройли либослар тайёрланмоқда. Юқоридagi суратда шу цехнинг чеворлари (чапдан) Гулнора Ҳамдамова ва Нозима Зокриёвалар тасвирланган.

Пастдаги суратда эса ана шу маиший хизмат биносида аҳолига яратилган қулайликлар акс эт-тирилган.

Холмат Мирзакаримов олган суратлар.



Соч ҳақида БИЛИБ ҚЎЙГАН ЯХШИ

◆ Соч ювишдан аввал бошингизни ўн дақиқачага уқаланг. Бунинг учун бармоқларингизни айланма ҳаракатлар билан терини бош сўнгига нисбатан силжитиб эгир ёни суртиб чиқинг. Ёр яхшилаб сингиб кетиши учун уқалашдан сўнг сочингизни буг усти-да тараб юборинг.

◆ Агар сочингиз ювганингиздан сўнг ҳам қуруқ ва хира кўри-нишда бўлса ёки ёмон турмакланса, у ҳолда сиз турли ўтлар билан чайишни одат қилинг. Масалан, мойчека, ялғиз, қичитки ўт каби ўтлардан фойдалансангиз фойдали бўлади. Бу дамлама қуй-идилгича тайёрланади: 2 ош қошиқ янчилган ўтларни 2 стакан қайнаган сувда дамлайсиз. Ёгли сочинлар эса эчкик дамланган илқ қойда ёки қичитки ўтлардан тайёрланган дамламада чайиш мумкин.

◆ Агар ош тодалари сарғайиб кетса, тукумининг очини кўпир-тириб, 2 ош қошиқда совуқ сув қўшинг. Унга ярим чой қошиқда сочин қириндисини солиб, сочинга эрта суртиб қўйинг. Шунда со-чингизнинг ранги қояндай ва тинчланишад.

◆ Сочингизнинг андак қора бўлишини хоҳласангиз тў, қора анжир барглари сўзда қайнатиб, сўнг бошингизни ювсангиз мақсадингизга эришасиз.

Дилдора СОДИКОВА.

ШИШАДАГИ «ЖИН» ҚИЛМИШЛАРИ

Ароқни баъзилар шишадаги «жин» деб бежиз айтадилар. Негаки у чиндан ҳам шишанинг ичидагина гўё қамокда ёлғиз сақланаётган маҳбусдек жим туради. Лекин у шишадан чиқиб одамнинг томоғидан ўтдики бўлди. «жин»лигини намойиш қилади, қамокдан қочиб чиққан жиноятчида жазавога тушади, қамонинг ичига қирган бўлса ўшаки қутултиради. У айниқса қамокдан чиқиб қамокка тушаверадиган жиноятчининг томоғидан ўтсаки, уни жоловлас мушкул. Бунга жиноятчиликни ўзига қасб қилиб олган Алексей Орловнинг ичига қирғач содир бўлган жирканч кирдиқорлар мисол бўла олади.

1966 йилда туғилган Алексей 1983 йилда Ҳамза тумани суди томонидан 5 йилга озодликдан маҳрум этилган эди. 1991 йилга келиб у яна шу суд томонидан 7 йилга, 1998 йилга келиб эса ўзи яшаб турган Миробод туман судининг ҳукми билан тагин бир йилга озодликдан мосуво бўлган. Лекин бу жазолар унга чивин қаққанчалик таъсир этмади. Аксинча у худди гиёҳванд киши гиёҳвандликка ўрганиб қолганидек қамокдан чиқиб, қамокхонага тушаверишга мослашди. У озодликда жамият қонун-қоидаларига итоат қилиб яшашга чидамас, дарҳол бир жиноятга қўл уриб яна қамокхонага тушаверишди. Бунинг учун эса шишадаги «жин»дан захри марига жиндек бўлса-да отиб олса бас. Жин у ёқда турсин дев бўлиб кетар, дуч келган одамни қон қашқатарди.

Уша куни ҳам офтобда бирга қатик ичган таниши Руслан Красновнинг туғилган куни муносабати билан унинг уйда «текин экан» деб бўқунича ичди. Соат тунги 01 дан 30 минут ўтганида истар-истамас ўрнидан туриб кўчага чиқди. Малъок кўчаси 3-тор кўчадаги 1-уй ёнига етганида икки нотаниш кишини қўриб қолди-ю эски «касал» хуруж қилди. Ўхшатмагунча учратмас дегадирдек беахалда юрган бу икки киши ҳам ўлғудек маст эди. Алексей дастлаб йўловчилардан бири — Евгений Глуховнинг ёқасидан тутди:

— Ўлдираман! Сен мени ҳақорат қилдинг! — Евгений оғиз очиб ҳам улгурмади. «Дев» унинг бошига қаттиқ мушт туширди. Қўтилмаган зарбадан ҳўшдан кетган Евгений ерга йиқилди.

— Энди наваб сенга, — деди Алексей иккинчи йўловчи Василий Павленкога. Павленко ҳам қаттиқ маст эмасми, ўзини ҳимоя қилишга ҳам оғизлик қилди. Алексей эса бундан фойдаланиб унинг дуч келган жойига аёвсиз тепар ва урарди. Жабрдийда ерга юз тубан йиқилиб қолса ҳам безори инсофга келмади. Яна уриб тепаверди, тепаверди. Қаттиқ жароҳатланган Павленко шу ернинг ўзига жон таслим қилди. Агар қотилинган танишлари Елена Писарева билан

Рустам ТУРАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Прократураси
тергов устидан назорат
бўлими прокурори,
Мурод КАЛОНХОН,
журналист.

ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЁЪОНЛАР

«ТОШКЕНТ ОҚШОМ»

Сизнинг рекламаларингизни, хусусий эълонлар ва хусусий бизнес бўйича эълонларни, шунингдек таъзияларни, таваллуд қиллари, тўйлар, юбилейлар муносабати билан қўтловларни, никоҳ эълонлари ва шунга ўхшаш эълонларни ўз саҳифаларида ёритади. Эълонлар шанба ва яшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 17.30 гача қабул қилинади.

Маълумотлар учун телефон: 133-28-95. Факс: (3712) 133-29-09. МАНЗИЛИМИЗ: МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ, 2-ҚАВAT, 204 -ХОНА.

«Ўзбекистон» жамоаси институтнинг сибик директори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган кўрувчи Аҳмадхон НУРМАТОВНИНГ вафот этганини чуқур қайғу билан маълум қилади ва марҳумнинг оиласига, қарибдошларига таъзия билдиради.

(Давоми. Боши 3-бетда).

Шу аснода унинг ёдига қадимги «Пролеткултчилар» келиб, улар наикни тарихимиз, Навоийни ҳам, Бобуру Улугбекни ҳам феодадлар, деб инкор этган эдилар. Мана шундай гумроҳлар бўлган. Бунга эҳтиёт бўлиб, адолатни маҳкам ушлаш керак. Ҳозир ҳам баъзи чаламулла «тарихчилар» кўпайиб кетди. Сув тиниб қолар... Биз ўша калта фикр, «калта дум» бўлмайлик! Шу пайт домла ёдига «Як, пуфф» латифаси иттифоқо тушиб, савдо-сотиққа уриб кетган бир шогирди кўз олдига келган эди. «Айтинг, домла, айтинг!» деб қолдилар. Менинг боболарим риштонликлардан қолшмайдиган кулол бўлган, Риштонда лоҳувард-қўқ ранг кўп ишлатиларди, Тошкентда қизғиш ва сариқ ранг... Мирсаид кулол ёнида доимо тўрт-беш шогирдлари бўлган. Бир икки йил ўтган, шогирдлардан бири устадан фотиҳа сўраб, ўз ҳовлисида мустақил кулолчилик қилмоғини айтибди. Хали озгина вақт борку, бўтам, дебди уста. Лекин шогирд ҳамма нарсани билиб олгани, чарх тепишда, нақш солишда ўзига хос йўллари борлигини айтибди. Уста, ҳа, майлин-гиз, ўзингиз мустақил ясай беринг, деб, унинг ҳовлисида худмон қуришга ҳам қарашиб юборибди. Шогирд обдон чалдастлик билан ишлаб, ясаган идишларини тарош этиб, нақш гилваталарини жойига қўйиб, худмонга жойлабди. Туни билан ўт ёқиб, пиширибди. Уч кундан сўнг худмон совнақ, идишларни ола бошлабди. Негадир барча идишларнинг юзи кўтир бўлиб чиқибди. Шогирд хайрон, нега идишлар кўтир бўлди? Бу ҳодисани устга билдирмай, у иккинчи бор идишларини ҳам худмонга жойлабди. Бу сафар ҳам идишлари кўтир бўлиб чиқаверди. Охири-оқибат уста ёнига бориб бу ахволни айтибди.

— Бундай бўлмаслиги керак эди, — дебди уста, — эҳтимол сиз «як, пуфф»-ни унутадирсиз?

— У нима эди?

— Бу, шукки, гилватадан сўнг идишга нақш бериб, кўрғошин суви қуригач, ла-

гану табақ юзини юмшоқ латта билан артиб, пуфф, деб губорни учуриб юбормоқлик зарур. Сиз шу ишни қилмаганиз. Шунда худмондан идишлар биллур янглиғ ярқираб чиқарди. Бунга «як, пуфф» деймиз. Сиз, гапларини эшитгансизу мана бу кичкина кўринган маслаҳатга эътибор бермаганиз...

— Уэр сўрайман, уста! — деб яна бир неча ой шогирдлик қилиб, бошқатдан фотиҳа олиб, иш бошлаган экан. «Як,

тахти бўлган шу шахарга дафн этилгани, кейинчалик катта мақбара қурилгани дунёга маълум. Уруш, мана шу хунрезлик натижасида Хиротдаги шoir мақбараси анча йиллардан буён бузилиб, вайрон бўлганидан хабар толган эдик. Жаҳон оммавий ахборот идоралари ҳам Хиротдаги Навоий мақбарасининг бузилиб кетганини бир неча бор ачини хабар қилган эди. Улуг устозимиз арвоҳи гўзал Ўзбекистон боғларида кезиб юрибди, сиз

Жаҳолатнинг вахшатли башараси қанчалар совук!

Домланинг бу сўзлари барчага ёқди, у кейсаяиб-алжиб қолмагани, ҳали на-вқирон олимларимиз сафида хизмат қилишга қодир эканини фахмлашди. Аммо, кўзга кўринмас бир мансабдор уни доимо четга итариб келатганини ҳам сезишди.

— Биз илдишлардек она ер бағрида-миз, унча кўзга ташланаймиз. Лиқил-лаган япроқлар барчанинг кўзи олдига. Япроқ бўлиб кўзда тўқилгандан кўра илдиш бўлиб дарахтга қудрат берган афзал. Гапимни тўғри тушунарсизлар, халқ ҳаммамизни яхши кузатиб турибди...

Ойлар, йиллар ўтди. Домла ҳаёт ва бардам.

Сентябрь яқинлашиши билан қўтилмаганда хурматли Президентимизнинг Фармони билан қадимшунос олим Мирҳабиб домла Нисёий мамлакатимизнинг энг юксак ордени «Эл-юрт хурма-ти» билан мукофотланди. Домланинг хур-сандчилигини асло сўз билан ифода-лаб бўлмасди. Унинг кўзларидан икки томчи ёш тушди — бу мамнуният, қадрланиш, эъзозланиш, ишонч белгиси эди. Домла, барча гинахонликларни унутди. У ян-гидан дунёга келгандек бўлди. Мустақил-ликнинг қудратини ҳам билди. Энди, Оллоҳ умр берса бир кам 80 эмас, бир кам юзга киришга ҳам қудрати етади-гандай кўринди.

— Азиз укаларим, мен энди оёғимни узатиб кетаман, орқада ажойиб фарзан-дларим етилиб келмоқда, — деди у со-дик шогирдлари даврасида — улар ке-лажакнинг буюк кишилари бўлишини ўз кўзим билан кўриб турибман. Мен бах-тли инсонман. Инсоннинг жисми қарир. Лекин юрак қаримайди. Мана, мен бу гапга ақлоқ мисолман! Ишонаверинлар!

Офтоб нури барчага баробар тушиб турибди, аммо, баъзи укаларим эътибор-сизлиги оқибатида кекса зиёли — чол-лар уйда ўтириб қолмоқда. Ҳаёт дарёси оқибаради, илдишлар она ер бағрида — халқ ичида доимо тирик туриб, юрта қудрат бериб, Мустақиллик, озодлик дав-римизга хизмат қилаверади.

Май, 2000 йил, Тошкент.

ЮРАК ҚАРИМАЙДИ

(Хикоя)

пуфф!»дан кейинги идишлари худмон-дан ярқираб чиққан экан. Азизларим, «як, пуфф!»ни унутманглар, номзодлик дис-сертацияларингиз худмондан биллурдай ярқираб чиқсин!

— Саломат бўлинг уста! «Як, пуфф!» зўр гап экан!... — дебди шогирдлар ма-ҳорат йўлидаги кичкина бир чизик ҳам муҳимлигини пайкаб.

Кўнларнинг бирида домлани яна бир муҳим йиғилишга таклиф этишди. Бу гап-ги анжуман улуг шoir ва мутафаккир Мир Алишер Навоийга бағишлаган эди. Энг қизиғи шу бўлдики, йиғинда домлага сўз беришди, таниқли фар ақоблари уни иззату иқром этишгандай бўлди. Домла минбарга чиқиб, ушбу сўзларни айтди:

— Афғонистондаги йиғимга йилга чўзилаётган уруш халқ бошига не-не фалокатлар ёғдирмоқда, одамлар қирилмоқ-да, маънавият, тараққиёт тамоман таназ-зулга юз тутмоқда. Бу қиргин-баротлик вахшати бутун дунёга аён. Юрак ачишиб кетган, ушбу сўзларни айтмаслик мум-кин бўлмай қолди: ўзбек адабиётининг отаси Мир Алишер Навоийнинг Хирот шаҳрида таваллуд топиб, ижод этиб дунёга машҳур бўлгани, Хурсоннинг пой-

билан бизнинг ёнимизда, у Ўзбекистон-да қадр топиб, бизни қўллаб-қувватла-моқда. Хазрат Навоийнинг мақбаралари Хиротда бузилиб кетганию ўша майдон-да бир неча тошлар ётганини кўрганлар бор... Бу гоётда ачинарли ҳол. Тинчлик, омонлик озод меҳнат самараси мустақил Ўзбекистонда Навоий қад кўтариб турибди, унинг асарлари севиб ўқилади. Дунёнинг энг буюк давлат арбоблари Ўзбекистонга келса, улар пойтахтимиз Тошкентдаги Навоий миллий боғи ўрта-сидига гўзал ва кўркам ҳайкал пойига гулчамбарлар қўядилар. Бу ёдгорлик хурматли Президентимиз Исрол Каримовнинг ташаббуслари билан бунёд этилган. Ўзбекистонимизда Навоий ви-лоят бор, қанча кўчалар, дорилфун-нун, институт мактаблар буюк шoir номи билан аталган. Миллионлаб нуса-хада унинг асарлари тинимсиз чоп эти-лади, Ўзбекистонда Навоий газали билан янграмаган бирон катта тантаная концертлар йўқ. Лекин, Хиротда, Мир Алишер Навоий таваллуд толган ўша та-рихий шаҳарда унинг мақбараси қаров-сиз қилиб кетгани ҳаммамизни қаттиқ из-тиробга солмоқда. Уруш қандай дахшат!

Шунқорлар



ГОЛИБ БЎЛИБ ҚАЙТИШДИ

қият қозонмоқдалар. Энг қувончлиси, ўқувчиларимиз яқинда республика бўйича ўтказилган «Шунқорлар» хар-бий спорт турлари бўйича таълим жуда пухта ўргатилди. Уларга таърибли ўқиту-чилар В. Ванюшин, М. Гра-чев, Э. Юсуповлар спортнинг барча турларини мукаммал ўргатиб келмоқдалар. Мана ўртга йилдан буён мактабимиз ўқувчилари шахар ва туман-лараро ўтказилаётган «Шун-қорлар» харбий спорт мусо-бақаларида мунтазам ишти-рок этиб, совринли ўринлар-ни қўлга киритиб, муваффа-

қият қозонмоқдалар. Энг қувончлиси, ўқувчиларимиз яқинда республика бўйича ўтказилган «Шунқорлар» хар-бий спорт турлари бўйича таълим жуда пухта ўргатилди. Уларга таърибли ўқиту-чилар В. Ванюшин, М. Гра-чев, Э. Юсуповлар спортнинг барча турларини мукаммал ўргатиб келмоқдалар. Мана ўртга йилдан буён мактабимиз ўқувчилари шахар ва туман-лараро ўтказилаётган «Шун-қорлар» харбий спорт мусо-бақаларида мунтазам ишти-рок этиб, совринли ўринлар-ни қўлга киритиб, муваффа-

қият қозонмоқдалар. Энг қувончлиси, ўқувчиларимиз яқинда республика бўйича ўтказилган «Шунқорлар» хар-бий спорт турлари бўйича таълим жуда пухта ўргатилди. Уларга таърибли ўқиту-чилар В. Ванюшин, М. Гра-чев, Э. Юсуповлар спортнинг барча турларини мукаммал ўргатиб келмоқдалар. Мана ўртга йилдан буён мактабимиз ўқувчилари шахар ва туман-лараро ўтказилаётган «Шун-қорлар» харбий спорт мусо-бақаларида мунтазам ишти-рок этиб, совринли ўринлар-ни қўлга киритиб, муваффа-

қият қозонмоқдалар. Энг қувончлиси, ўқувчиларимиз яқинда республика бўйича ўтказилган «Шунқорлар» хар-бий спорт турлари бўйича таълим жуда пухта ўргатилди. Уларга таърибли ўқиту-чилар В. Ванюшин, М. Гра-чев, Э. Юсуповлар спортнинг барча турларини мукаммал ўргатиб келмоқдалар. Мана ўртга йилдан буён мактабимиз ўқувчилари шахар ва туман-лараро ўтказилаётган «Шун-қорлар» харбий спорт мусо-бақаларида мунтазам ишти-рок этиб, совринли ўринлар-ни қўлга киритиб, муваффа-

қият қозонмоқдалар. Энг қувончлиси, ўқувчиларимиз яқинда республика бўйича ўтказилган «Шунқорлар» хар-бий спорт турлари бўйича таълим жуда пухта ўргатилди. Уларга таърибли ўқиту-чилар В. Ванюшин, М. Гра-чев, Э. Юсуповлар спортнинг барча турларини мукаммал ўргатиб келмоқдалар. Мана ўртга йилдан буён мактабимиз ўқувчилари шахар ва туман-лараро ўтказилаётган «Шун-қорлар» харбий спорт мусо-бақаларида мунтазам ишти-рок этиб, совринли ўринлар-ни қўлга киритиб, муваффа-

Санъат

«СОВЧИГА ЭР ТОПИЛДИ»

Ха, номидан кўриниб турганидек, бу сатирик спектакль грузин ёзувчиси А.Цагаренин «Хонимахон» асари асосида сахналаштирилган. Ушбу спек-такль Аббос Худойтов номли Ўзбек давлат драма театрида намойиш қилинмоқда. Томоша қилгилди, ўткир сатира жанрида бўлсада, унинг замирида ҳаётин танқид этади.

Спектаклни кўриб, ўз фикр-мулоҳазаларимизни баён эти-шни лозим топдик. Сахнада бўлаётган ҳар бир воқеага жид-дий нуқтаи назар билан ёндашадиган бўлсак, спектаклда фақатгина томошабинни қудриш эмас, балки миллатидан қатъи назар, одамлар орасидаги баъзи бир нуқсонлар очик намойиш қилинган. Режиссёр Баходир Йўлдошев ҳар бир образ қаҳрамонига моҳирлик билан либос тавлагани, унда уларнинг характериға ишора қилади. Режиссёрнинг яна бир хусусияти кикса эпизодларда қатнашаётган роль ижроси учун айнан қоракаллоқ йиғитини таклиф этган. Унинг ўзига хос шеваси, томошабинни қудридадиган қизик таллафузи спек-таклга ўзгача мазмун қиритган. Актерлар сценарида белги-ланган хатти-ҳаракатлар, сўзлар билан чегараланмай қолмай, баъдий тўқима ва импровизацияни ўз қобилиятларига ишонч билан эркин ижро этишган.

Еши бир жойга бориб қолган аслзода хўжайинга (Ўзбеки-стонда хизмат кўрсатган артист А. Рафиков) гўзал, ёшгина қизини унаштирмоқчи бўлишди. Улар бир-бирларини қуриш-маган. Аслзода бўлажак келиннинг шайхитини билан эмас, унинг моддий имконияти билан қизиқди. Шунингдек, қиз-нинг отаси ҳам шу томонларга эътибор қаратади. Қизига келатган совчилар орқали бўлажак кўйининг қандай макве-



Бош муҳаррир
Акmal АҚРМОВ

Манзилимиз:
700000, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-29-70;

Эълонлар:

133-28-95, 132-11-39.

факс: (3712) 133-29-09.

Душанба, чоршанба ва жума

кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 209

Ҳажми — 2 босма табақ офсет усулида босилади.

Қозғош битими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтаменти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Рўйхатдан ўтин тартиби: №10.

«Шарқ» нашриёт-матбаа

концерни босмахонаси.

Корхона манзили:

«Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.